



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 36 [14.087]

Баҳоси эркин нарҳда

ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 март куни мамлакатимизда қатор соҳаларда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Замонавий ахборот технологиялари тараққиётнинг муҳим шартларидан бири. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада одамларга катта қўлайлик яратди, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширди, ортиқча харажатларни камайтирди, коррупциянинг олдини олади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили бўйича қабул қилинган Давлат дастурида жорий йилда "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Жаҳондаги тенденцияларга эътибор қаратсак, дунё ялли махсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнгги 15 йилда рақамли иқтисодиёт глобал ялли махсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.

Мамлакатимизда ялли ички махсулот ҳажмини икки баробарга ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмида кенг фойдаланиш мумкин.

Кейинги йилларда дунёда "рақамли шаҳар" концепцияси оммалашмоқда. Шу тажрибадан келиб чиқиб, "рақамли Тошкент" тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа ҳудудларга эса тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Тақдимот давомида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича амалга ошириладиган 62 та маълумот берилди.

"Тиббиёт муассасалари паспорти", "UzTrans", туристлар ҳисобини юритиш бўйича "E-Mehmon" ва бошқа ахборот тизимлари юртимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига катта қўлайлик яратди.

Президентимиз жорий йилда болалар бoғчаси, ма-софавий таълим, шаҳар жамоат транспорти учун ягона электрон чипта, қурилишни назорат қилиш, электрон тиббиёт картаси каби янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди. Масалан, электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қoғoз тўлдирishi кeтадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият бўлади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15 та иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, 11 та кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда 62 та поликлиника "Ягона электрон тиббий карта" ва "Электрон поликлиника" ахборот тизимига улашиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам татбиқ этилади.

Дастурий махсулотлар узлуқсиз ва самарали ишлаши учун инфратузилма зарурлиги қайд этилар экан, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 600 дан ортиқ соғлиқни таъминот, мактабгача уй-жой муассасаси ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган. Аммо ушбу йўналишда қилинаётган ишлар ҳали ҳам етарли эмаслиги қайд этилди.

Телекоммуникация инфратузилмаси "рақамли шаҳар" концепциясининг асоси эканини ҳисобга олиб, икки йил мобайнида 1,5 мингдан зиёд ижтимоий объектни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ҳокимлиги таркибида таълим, тиббиёт, уй-жой коммунал, транспорт, қурилиш, кадастр ва бошқа йўналишлар бўйича алоҳида лойиҳа офислари ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратди. Бундай тузилмаларда дастурчилар ҳар бир соҳа мутахассислари билан биргаликда ўша соҳага мос дастурий таъминот яратди, уларни синовдан ўтказиб, ҳаётга татбиқ этади. Зарур ҳолларда бошқа соҳага тегишли дастур билан боғлиқлигини таъминлайди.

"Рақамли Тошкент" лойиҳасини молиялаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик асосида бизнес доираларнинг фoал иштироки учун шароит яратиш лoзимлиги таъкидланди.

"Электрон ҳукумат" тизими орқали кўрсатилмаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, уларни электрон шаклга ўтказиш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий объектлар қурилишига доир тақдимотлар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси "Узархив" агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Миллий архив биноси қурилиши учун ишлаб чиқилган янги лойиҳа шулардан бири.

Миллий архив фонди ўзининг кўлами, ҳажми, ноёблиги жиҳатидан минтақамизда етакчилардан. Ҳозир бу ерда турли даврга оид 1 миллион 800 минг сақлов бирлигидан ортиқ ҳужжат сақланади.

Қурилиш кўзда тутилган архивнинг янги биноси замонавий архитектура ечимлари ва талабларини тўлиқ ўзида мўжассам қилади. Иншоот 1-тоифадаги алоҳида муҳим объектларнинг талаб ва мезонлари асосида барпо этилади. Энг аввало, архив сақловхоналари сигимини 3 миллион ҳужжатга мос ҳолда ошириш, репозиторий учун жой ташкил этиш, ўқув залини кенгайтириш, тадқиқотчиларга хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражада таъминлаш учун замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга шароит яратилади.

Қолаверса, ушбу лойиҳаларда туризмни ривожлантириш мақсадида хорижий фуқароларни жалб қилган ҳолда, архив кўргазмаларини ташкил этиш имкониятлари ҳам кўзда тутилган.

Тақдим этилган лойиҳада улкан ўқув зали мажмуаси, анжуманлар ва кўргазмалар заллари, илмий маълумотлар кутубхонаси ҳамда музей, кинозал, буфет ва музокара учун хоналар инoбатга олинган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган муҳташам кутубхона, эски шаҳар ҳудудини тарихий кўринишдаги туристик савдо зонасига айлантириш лойиҳалари билан ҳам танишди. Президентимиз мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, аҳоли учун кенг қўлайликлар яратиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларининг намунавий лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан Маҳалла маркази мажмуаларини қуриш қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, лойиҳаларда инновацион технологиялардан, арзон, энергия тежамкор материаллардан фойдаланиш назарда тутилган. Уларни давлат-хусусий шерикликнинг шартлари асосида пухта, сифатли ва намунавий лойиҳалар асосида қуриш белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларда барпо этиладиган ушбу комплексларнинг намунавий лойиҳалари билан яқиндан танишиб, ўз тавсияларини берди. Шунингдек, ички ишлар органларининг ташкилий тизимини ислоҳ қилишга, жумладан, мамлакат миқёсида ва туманлар кесимида куч ва воситаларни бошқаришнинг янги механизмларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Ички ишлар органлари бошқарув тизимидаги қатор раҳбарлик лавозимларини оптималлаштириш бўйича тақлифлар билдирилди. Бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида кундалик фаолиятни самарали ташкил этиш учун қўлай шароитлар яратилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ишининг натижалари муҳокама қилиниб, жорий йилда пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг асосий концептуал йўналишлари тўғрисида ахборот берилди.

Ушбу янги тартиб ички ишлар органлари хизмат ва бўлиналарининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, мавжуд бюрократик ҳолатларни қисқартириш, жойларда шахсий таркиби бошқариш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни босқичма-босқич яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА



● Сурхондарё вилоятида янги – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

● Наманган шаҳридаги 82-умумтаълим мактабида Япония таълим тажрибасини оммалаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Наманган шаҳридаги умумтаълим мактаби директорлари иштирок этган семинарда умумтаълим мактабида Япония тажрибасининг ўзига хос жиҳатларини амалиётда қўллаш, илғор усул ва ёндашувлар асосидаги тақдимотлар намойиш этилди.

● Туркиянинг "Канимед Сағлик Гўзимлари А.С." компанияси раҳбарлари Фелиз Эрдоган Марашлиоглу ва Камуран Амасяли ишбилармонлик ташрифи билан Наманганга келди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Учкўрғон туманида барпо этилаётган диагностика маркази лойиҳаси асосида амалга ошириладиган ишлар ва навбатдаги вазифалар муҳокама этилди. Лойиҳага кўра 7,3 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан барпо этиладиган мазкур тиббиёт муассасаси Марказий Осиёдаги энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, халқаро САР сертификатига эга тиббиёт маркази бўлади.

● Наврўз байрами арафасида "Indenim" масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё вилояти аҳолиси ва меҳмонлар учун ажойиб совға тухфа этди. Термиз шаҳрида тўрт қаватли замонавий кўнгилочар савдо марказини фойдаланишга топширди. Муҳташам бинонинг биринчи қаватида мижозлар озиқ-овқат махсулотлари ва маиший техника воситаларини харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватда "Indenim" бренди асосида Термиз шаҳридаги "ZIF TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятида болалар ва катталар учун ишлаб чиқарилган кийим махсулотлари, учинчи қаватда хорижий энг сара кийим брендлари жой олган. Шунингдек, миллий таомлар ресторани барпо этилган. Тўртинчи қаватда болалар учун ўйингоҳ, боулинг ҳамда фаст-фуд қурилиб, замонавий усулда жиҳозланган. Экскалатор ва лифтвер ўрнатилган.



● Италияда коронавирус хавфи кундан кунга ошиб бориши боис (касалланганлар сони 9172 нафарга етиб, ушбу мамлакат жаҳонда Хитойдан кейин иккинчи ўринга чиқди) бош вазир Жусеппе Конте барча оммавий тадбирлар тўхтатилишини маълум қилди. Бошқа соҳалардаги чекловлар билан бирга футбол уюшмаси қарорига кўра, футбол бўйича мамлакат чемпионати ўйинлари муҳлисиз бўлиб стадионларда ўтказиладиган бўлди. Масалан, сўнгги турдаги чемпионат етакчиси "Ювентус"нинг "Интер" командаси билан учрашуви ҳам шу тарзда ўтди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ўйин "Ювентус" таркибида тўп сураётган жаҳоннинг энг кучли футболчиларидан бири Криштиану Роналду фаолиятидаги мингинчи учрашуви эди.

● Мексикада кўп йиллардан буён мунтазам ўтказиб келинаётган анъанавий пиротехника фестивали ташкил этилди. Одатга кўра, фестивал айниқса оқшом чоғида жуда қизиқarli тусга кирди – улкан буқалар макетлари тайёрланиб, улар кўчаларда халқни қувончга тўлдирган ҳолда пиротехника воситалари орқали "нур сочиб" саёҳат қилишди.

Назoкат УСМОНОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ижроси ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 27 декабрь куни мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда бир қатор муҳим топшириқлар берилган эди.

Ўтган давр мобайнида давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан айни топшириқлардан келиб чиқиб, амалга оширилган ишлар сарҳисобини қилиш, бу борада келиб чиқадиган масалаларнинг сабаби ва ечимни юзасидан тақлифларни умумлаштириш бўйича тизимни кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этиши айтаб ўтилди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда бугунги кунда ёшлар жиноятчилиги ва ёш оилалар ўртасидаги ажримларнинг олдини олиш, глобал майдонда кечадиган таҳликали жараёнларга нисбатан ёшларимизда мустақил фикр ва қатъий ёндашувни шакллантириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Ёшларни "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари!" деган улғур гоя атрофида бирлаштиришга қаратилган ишларни юқори бос-

қичга олиб чиқиш лoзим. Аҳолига мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида "Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топштириш демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг гаровидир!" деган ҳаётий гоёни мустаҳкамлаш олдимида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини, одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш ҳар томонлама фойдаланиш экани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия Ички ишлар вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили" мавзусида халқаро форум ўтказди.

Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу форумга меҳнат жамоалари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича маълумот ходимлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ўринбосари А.Икрамова, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси доимий вакили ўринбосари Д.Мунтяну, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Ф.Эшматова, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошляги Г.Маърупова ва бошқалар хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш долзарб масала эканини таъкидлади.

Кейинги пайтда мамлакатимизда аёлларни қонуний жиҳатдан янада қучлорқ ҳимоялаш билан боғлиқ бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни таъзияк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари кунга киргани бу борадаги тарихий қадам бўлди.

Эндиликда жабранувчи аёл

ўзига нисбатан таъзияк ва зўравонлик содир этилган ёки таҳдид қилинган тўғрисида ариза билан тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, улар махсус марказларда, "Ишонч телефони" орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олади. Ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш, ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат этишга ҳам ҳақлидирлар. Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, жабранувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зўравонликка мойил шахсларнинг ўз-аъторини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади. Бундай шахслар зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтди.

Қонуннинг асосий жиҳатларидан бири шундаки, унга "ҳимоя ордери" тушунчаси киритилган ва унинг берилиши тартиби ҳам белгиланган. – Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билса, уларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлса, тўғри йўлдан сира адашмайди, – деди Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошляги ўринбосари, полковник Умида Абдуллаева. – Айни пайтда мазкур йўналишда хотин-қизлар иштирокида доимий мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳимоя ордерининг юзга

келиши аёлларни турли таъзияк ва зўравонликлардан асрашда ўзига хос амалий механизмдир.

– Бугунги кунда уйма-уй юриб, ёшлар, аёллар, қизлар билан учрашиб, мавжуд муаммоларни мукаммал ўрганиш, зарурий амалий чораларга эътиборни қучайтиришга жиддий киришилган, – деди Тошкент вилояти Зағиота туманидаги "Далагузар" маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Холда Охунова. – Қизлар, келинларни қасбга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича иш олиб бoрилмақда. Бунда уй меҳнатини йўлга қўйиш, аёл ва қизларни пазандалик, чеварчилик цехларига жалб этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Анжуманда аёлларни самарали ҳимоя қилишнинг янги механизмлари, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда ички ишлар органларининг иштироки, ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оилаларнинг доирасидаги муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамоат органларининг ҳамкорлигига оид масалалар атрофида муҳокама этилди.

Гендер тенглиги, опа-сингилларимиз манфаатларини ҳимоялаш, уларни асрашга доир самимий, таъсирчан ва долзарб видео роликлар намойиш этилди. Қизларимизга ибрат бўлган аёллар тақдирлари: Ватан, она, муҳис аёлларни улғурловчи муқий дастури форум иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ушбу муҳим масала Ҳукумат томонидан Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритилиши ва халқ вакиллари билан батафсил кўриб чиқишлини маълум қилиб, бунда энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таянишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлагани эди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислохотлар самараси жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашиш, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий

алоқаларни янада ривожлантиришга боғлиқ. Чунки, иқтисодий интеграция маҳсулотнинг рақобатбардорлигини ошириш, таннархнинг пайсатириш, янги технологиялар олиб келиш, транзит савдонини кенгайтириш, бозор ислохотларини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимиз жаҳон ишлаб чиқариш тизими, халқаро бозор талаблари ва иқтисодий интеграция жараёнлари ҳаммадан булиши лозим.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, те-

гишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан иқтисодий интеграция масаласида мамлакат иқтисодиётининг йирик 16 тармоғида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда мазкур масала бўйича етакчи мустақил консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг изланишлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан бирдирлиг билан таклиф ва хулосалар кўриб чиқилди. Бунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги доирасидаги иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, саноат, ташқи савдо сисъати, божхона-тарифларини тартибга солиш механизми, меҳнат мигра-

цияси, стандартлаштириш ва ветеринария, санитария, фитосанитария назорати сингари кўплаб масалалар бўйича экспертларнинг хулосалари ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИга интеграция жараёнлари ўзаро боғлиқлиги қайд этилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига таъсирини комплекс ўрганиш натижасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши зарур бўладиган чора-тадбирлар белгиланди ҳамда ЕОИИ билан кузатувчи-давлат мақомида ҳамкорлик қилиш таклифи маъқулланди.

Йиғилиш якуни бўйича таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

ЎЗА

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, бу борада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятни ишга солиш лозим. Шу билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотларни, чора-тадбирлар дастурларини, "Йўл харита"ларини умумлаштириш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Парламент куйи палатаси кўмиталари, депутатлик бирлашмалари ва ялпи мажлисларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тақомиллаштириш масалалари юзасидан Адлия, Ички ишлар, Мактаб-гача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш ҳам яхши самара беради.

Шунингдек, тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга замонавий усул ва воситаларни, хусусан чет элларга "ҳуқуқий маданият туризми" сафарларини уюштириш, ҳуқуқий нигилизмнинг оқибатлари ҳақидаги видеороликларни қўйиб-тириш, мобил иловалар ва стартуп лойиҳаларни ишлаб чиқиш каби навроҳ кенг жорий этиш юзасидан тегишли вазирликларга парламент сўровлари жўнатилиши мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Нурилло НАСРИЕВ

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзсаноатқурилишбанк "ICBC Standard Bank PLC" билан 100 млн. АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини жалб қилиш учун заём битимини имзолади.

Битим Ўзсаноатқурилишбанк томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг лойиҳаларини миллий валютада молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтириш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, "ICBC Standard Bank PLC" ICBCнинг дунёдаги энг катта молиявий гуруҳи ҳисобланган, Шанхай ва Гонконг фонд биржаларида листинг мажмуд бўлган Хитой банк гуруҳига кирди. "ICBC" 48 мамлакат ва ҳудудда кенг бўлиб-лар тармоғига эга бўлиб, олти қитъада фаолият юротилади. "ICBC" етти миллиондан зиёд корпоратив миқозларга ҳамда турли сотув каналлари орқали 600 миллиондан ортиқ хусусий миқозларга молиявий маҳсулот ва хизматларнинг тўлиқ мажмуини тақдим этади.

"ICBC Standard Bank PLC" кредит линияси тадбиркорлик субъектларига қисқа муддатларда замонавий асбоб-ускуналарни харид қилган ҳолда, ишлаб чиқаришга оид технологик ускуналарини янгилаб, хом ашё базасини тўлдирishга қаратилган билан аҳамиятлidir.

Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатларда ўсиб бормоқда, – дейди "ICBC Standard Bank PLC"нинг Россия ва Марказий Осиёдаги глобал бозорлар департаменти раҳбари Владимир Губер. – Мамлакат молиявий бозорини ривожлантиришда биз ҳам фаол иштирок этмоқдамиз. Ўзсаноатқурилишбанк билан ҳамкорлигимиз хусусида тўхталиб, бундан мамнунигимизни ва мазкур муносабатлар янги молиявий маҳсулотлар яратиш устида давом этажанини қайд этмоқчиман.

Таъкидлаш жоиз, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан халқаро молия механизmlарини интеграция қилиш орқали миллий валютада, шу жумладан, "ICBC Standard Bank PLC" томонидан жалб қилинган кредит линиялар унинг маҳаллий бозор, айниқса, катта имконият ва афзалликлари мавжуд бўлган кичик ва ўрта бизнес сегментидаги позициясини мустаҳкамлайди.

Банк Ахборот хизмати

ДАРАХТЛАРГА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КАРТОЧКАЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг янги раиси Шавкат Абдуразақов журналистлар ва блогерлар билан учрашди.

Тадбирда бугунги кунда дарахтларни кесиб билан боғлиқ салбий ҳолатлар кўпайиб бораётгани, бундан экология ва атроф-муҳит зарар кўраётгани таъкидланди. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда, деган саволга жавоб берилди.

Қўмитанинг янги раҳбари ишни давлат муҳофазасидаги дарахтларни хатловдан ўтказишдан бошлашни айтиди. Шунингдек, жорий йилда мамлакатимиздаги мавжуд дарахтларга давлат назорати карточкалари ўрнатилади. Бундан кўзланган мақсад – дарахтларнинг асосиз ва ноқонуний кесилишининг олдини олишдир.

Қўмита раиси журналистлар ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. **Ш.МАМАТУРОВА, ЎЗА мухбири**

Янги қадам

Раҳмат МАМАТОВ:

БОШ ЧОРАСИЗЛИКДАН БОШ ҚАШИШ ЎТИРАДИГАН ЗАМОН ЭМАС

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этишдан асосий мақсад нима? Ушбу вазирлик тизимига бирлаштирилган жамоат ташкилотлари ўз вазифаларини уқдалай олмадими? Маҳалла раисларининг иш тартиби ва ойлик маошларида қандай ўзгаришлар бўлади? Янги тузилма оила ишига давлатнинг аралашуви янада кўпроқ бўлади, дегани эмасми?

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири шу каби саволлар билан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Олий Мажлис Сенати аъзоси Раҳмат МАМАТОВга мурожаат қилди.

– Президентимизнинг "Жамиятда иқтисодий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизда оилалар ва маҳаллаларда иқтисодий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини амалга таъбиқ этишга қаратилган йирик тузилма – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. – дейди Раҳмат Маматов. – Вазирлик халқимизнинг неча асрлик миллий қадриятлари сақланаётган маҳаллалар ва ундаги оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, аҳоли муаммолари билан ишлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиб беради, унинг ривожланиши, том маънода жамиятнинг миллий бошқарув идораси бўлиши учун кўмаклашади.

Бугун тан олиб айтишимиз керакки, шу вақтга қадар ҳаммамиз учун қадри, умримизнинг асосий қисми ўтадиган маскан – маҳалла фаолиятини самарали ташкил этиш учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бериш ишларига кўп дилдан ёндашмадик. Бу борада бошланган қўллаб-қувватлаш ишлари охирига етмади. Натижада халқимиз орасида оила ва маҳаллалар муаммолари билан ишлаш, аҳолининг кундалик муаммоларини қўллаб-қувватлаш, маҳалла давлат ўртасида кўпроқ бўлишга маъқул бўлган тузилма – маҳалла фаолиятини қоникмаслик ҳолатлари, афсуски, кўп кузатилди. Бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти бўйича ҳам шу фикрларни айтишимиз мумкин.

Агар эътибор берадиган бўлсак, кунда-кунора қайсидир оилада ўғил отасига қўл кўтаргани, она мурғак гўдагининг қотилига айлангани, қайнона-қелин моҳоралари акс этган аянчли воқеалар кулоҳга қалинлади. Бу интернет сайтлари, иқтисодий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўляпти. Анчирлиси, бундай нохуш воқеалар жамиятимиздаги соғлом муҳитга салбий таъсир этибгина қолмай, минг йиллик қадрият ва урф-одатларимизга соя солмоқда.

Шу ўринда барчамизни бу воқеаларнинг туб сабаблари ўйлантириши зарур: ўзбек хонадонидида ўғил отасига қанчондан бери тик қарайдиган, она ярим тулда кўчада саёк юрган ўсим қўзининг холи билан қанчондан бери қизикмайдиган бўлди? Нега маҳаллалардаги ёши катта отахон ойналарини ўйлантириш оддий маънавий муаммолар орқидан ажрашиб кетатганиларига қандай эътибор қаратаяпти?

– Маълумки, вазирлик тартибига бир қанча жамоат ташкилотлари бирлаштирилди. Шу ўринда табиий савол туғилди: улар ўз вазифасини бажара олмадими?

– Бу ташкилотлар ишламаётгани, деб айтмайлик. Шу вақтга қадар уларнинг барчаси ўз йўналиши бўйича фаолият юритиб келди. Аммо самарадорлик нуктаи назаридан кўзланган мақсадга эришилмагани учун бирлаштирилиб, битта тизимга жамланди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 12 февралда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимини тақомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз иқтисодий-маънавий ҳаётига дахлдор бўлган долзарб масалалар чуқур таҳлил этилиб, устувор вазифалар белгиланган олинди. Шунингдек, йиғилишда маҳаллаларда оилалар ва аҳоли муаммолари билан ишлаш, иқтисодий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича янги ахллий тизим – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш таклифи иқтисодий зарурат сифатида айтиб ўтилган.

Айни пайтда юртимизда 9121 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Вазирлик мазкур маҳаллаларда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини ўлқорили ва самарали жорий этиш, оилалардаги иқтисодий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яқиндан кўмаки бўлади.

Шу вақтга қадар фуқаролар йиғинларининг аҳоли муаммоларини тўлақонли рағбатлаштириш, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун имконияти етарли эмасди. Бунинг натижасида сўнгги вақтларда иқтисодий-маънавий муҳитга салбий таъсир этувчи ҳолатлар, жумладан, оилавий ажримлар, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлар, нотинч ҳолатлар, фарзанд тарбиясига лоқайд ота-оналар сони, хотин-қизлар ва воғна етмаганлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари ошса ошдики, қамаймади. Мухтарам Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, вазирлик маҳалла ва оилалардаги шунга ўхшаш мавжуд муаммоларнинг олдини олишда катта иқтисодий кўч сифатида майдонга чиқди. Бунинг учун бизда барча имконият ва шароит етарли.

– Қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлашда сезиниб ташаббусингиз, мақсадингиз, режангиз қандай?

– Бугун жамиятимизда инсон омилига бўлган муносабат туддан ўзгариб бормоқда. Сабаби, яратилаётган барча имконият ва қулайликлар инсон учун, унинг тўлақонли бахтли ҳаёт кечирishi учун. Шундай экан, бизнинг асосий иш режаларимизда ҳам инсонга бўлган муносабат етакчи ўринда туради. Аҳоли муаммоларини ўрганиш, оғир вазиятларда унга ёлқош бўлиш, уларга ҳуқуқий, молиявий ёрдам кўрсатиш учун барча керакли ҳужжат қўрилади.

Ҳар бир маҳаллада камбағаллик, янаям юмшоқроқ қилиб айтганимизда, кам таъминланган оилалар сонини қамайтириш учун сая-ҳаракатларни қўйиштириш асосий фаолият йўналишимиз бўлади.

2019 йилда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 40 миң 112 нафар кам таъминланган фуқарога 10 миллиарддан зиёд моддий ёрдам қўрсатилди ва бу йил бу кўрсаткич 2 баробарга ошириш режалаштирилмоқда.

Аммо бир маротаба берилмаган бу моддий ёрдам масалалар тугал ечим бўла олмайди. Шу сабабли уларнинг ҳаётини изга солиб олиши, оиласига молиявий даромад манбаи

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ, ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУР

Жами 284 банддан иборат Давлат дастурида "Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да қилиниши лозим бўлган вазифалар белгиланиб, унинг санаси, ижро учун масъуллар, сарф-ҳаражатлар ва молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатирилган. Бунинг учун умумий қиймати 18,2 трлн. сўм ва 10,3 млрд. АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Шундан давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлардан 12,9 трлн. сўм, ижрочилар ва банклар маблағларидан 2 трлн. сўм, халқаро молия институтлари маблағлари ва грантлар ҳисобидан 3,3 трлн. сўм ва 10,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилди.

Давлат дастури халқимиз томонидан катта қувонч билан қўлиб олингани, бир овоздан қўллаб-қувватлангани беҳиз эмас. Дастур ҳақиқий маънода одамлар кўнглидаги, юрагидида, анча йиллардан буён интиқ кутган оруз-умидларнинг рўёби бўлди дейишга асослар етарли. Чунки дастур лойиҳаси муҳокамасида мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудлари аҳолиси ҳам фаол иштирок этди. Барча даражадаги депутатлик корпуси вакилларининг аҳоли билан бўлган юзма-юз учрашувларида дастури лойиҳаси бўйича мингглаб таклифлар олинди, фикр-мулоҳазалари ўрганилиб ва бу умумлаштирилиб, тегишли соҳа мутахассислари, экспертларга тақдим қилинди.

Хусусан, дастур бўйича аҳолидан жами 3162 та таклиф қабул қилинди. Уларнинг 765 таси давлат бошқаруви,

586 таси суд-ҳуқук, 542 таси иқтисодиёт, 815 таси иқтисодий ва 91 таси ташқи сисъат ва хавфсизлик масалаларида бўлган. Фармон лойиҳаси бўйича билдирилган таклифлар сони 363 тани ташкил қилди ва натижасида Давлат дастурига жами 62 та концептуал ва 30 дан ортиқ таҳририй ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ҳамда ҳудудий кенгашлар, партиядан сайланган депутатлар томонидан ҳам Давлат дастури лойиҳаси бўйича экспертлар, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари иштирокчида юзлаб очик мулоқот, давра суҳбатлари, учрашув ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Теледиораларда чиқишлар қилинди. Айниқса, Бошлангич партия ташкилотларида шу мавзу бўйича ўтказилган учрашувлар самарали бўлди. Эътиборли жиҳати учрашувларда фуқаролардан олинган таклиф ва ташаббусларнинг аксарияти бугун Давлат дастурида ўз аксини топган.

Демак, эндиги асосий мақсад Президентимизнинг ушбу Фармони ижросини тўла бажарилишида фаолият кўрсатишимиз лозим ва шарт. Бу билан нафақат сайловчиларимизга берган ваъдаларининг бажарилиши, уларнинг ишончини оқлаймиш, балки халқимиз, давлатимиз олдидаги бурчимизни ҳам оқлаган бўламиз.

Отабек ЖИЯНБЕКОВ, УАМТДП Ташкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутати
Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Саудия Арабистонининг йирик инвестори – "ACWA Power" компанияси ўртасида умумий қиймати 2 миллиард долларга тенг учта битим имзоланди. Мазкур келишувлар мамлакатимиз энергетика соҳаси ривожига, жумладан, энергия хавфсизлиги масалаларини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган муҳим омилдир. Ўзбекистон ҳам энергетика соҳасида ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун илғор халқаро тажрибани ўрганишга, бу борада жонда ўз ўрнига эга тузилмалар билан ҳамкорлик қилишга интилоқда. Бошқача айтганда, синовдан ўтган хорижий тажрибадан андоза олиб, ривожланиш кўчада тутилган.

– Халқаро шерик сифатида "ACWA Power"ни танлашимиз беҳиз эмас, чунки бу компания самарали фаолият кўрсатишлари эга, – деди энергетика вазир Алишер Султонов. – Саудия Арабистони энергетикалари билан ҳамкорлигимиз Ўзбекистонда давом этаётган иқтисодий ўзгаришлар жараёнида муҳим урин эгаллаётган хусусий секторнинг фаол иштирокини молиялаштириш имконини беради.

Дастлабки битимга мувофиқ, томонлар 25 йиллик электр энергияси хариди тўғрисидаги келишувга эришди. Шунингдек, 1500 МВт қувватга эга буғ-газ турбинали электр станцияси лойиҳасини

ишлаб чиқиш, қуриш ва ишга тушириш учун жами 1,2 миллиард долларлик инвестиция шартномаси ҳам имзоланди.

Янги буғ-газ қурилмасини Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида қуриш режалаштирилган. Келишувга мувофиқ, ушбу инвестициявий лойиҳада "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти янча харидор сифатида иштирок этади. Самарадорлик кўрсаткичи 60 фонидан ортадиган мазкур станция ишга туширилган, электр энергия ишлаб чиқаришга сарфланадиган табиий газ одатдаги қараганда қарийб икки баравар кўпроқ тежалди.

Набатдаги келишув орқали 500-1000 МВт энергия қувватига эга битим электр станцияси қурилиши амалга оширилади. Қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш бўйича имзоланган ушбу шартномага асосан "ACWA Power" компанияси Ўзбекистонда 500-1000 МВт қувватга эга шамол электр станциясини қуради.

Сўнгги ҳужжат мутахассисларнинг техник қўмақларини оширишга йўналтирилган ўқув марказини ривожлантириш бўйича ўзаро

англашуви меморандумидир. Мазкур битимга қўра, "ACWA Power" компанияси "Air Products & Chemicals" билан ҳамкорликда Ўзбекистонда коммунал ва кимё технологияси соҳалари мутахассислари техник қўмақларини ошириш бўйича ўқув дастурларини тақдим этади.

– Мавжуд тажрибадан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда энергетика соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўлиш ниятидамыз, – деди "ACWA Power" компанияси раҳбари Мухаммад Абунаян. – Сабаби, ривожланиб бораётган ҳамкорлигимиз ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади. Шунингдек, биз Ўзбекистон Президентини ва Саудия Арабистони Қироли ҳамда Валиаҳди томонидан халқароликни янада яқинлаштириш мақсадида илгари сурилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имконини яратилганидан мамнунимыз. Ҳамкорлигимиз ривожланиш учун янги имкониятлар яратди, тарихи ва келажаги буюк халқимиз учун барқарор келажак яратишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Энергетика соҳасида Саудия Арабистони билан ҳамкорликда амалга оширилаётган янги лойиҳалар Ўзбекистон тараққиётида тарихий босқич ҳисобланади. Зеро, бу сая-ҳаракатлар муқобил энергия манбалари орқали энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалиётни қўллаб-қувватлайди. "ACWA Power"нинг ақлли, энергия тежайдиган технологиялари мамлакатимиз энергетика соҳасига 2000 МВт дан зиёд қўшимча қувват тақдим этади ва мамлакатимизда барқарор, хавфсиз ҳамда арзон энергия эко-тизимини яратиш имконини беради.

Қолаверса, хорижий шериклар билан эришилаётган янгида-янги келишувлар Ўзбекистоннинг глобал энергия бозоридида роли тобора ортиб, мамлакатимизнинг энергия хавфсизлиги ва энг замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб бораётганидан, шунингдек, Ўзбекистон чет эл инвесторлари учун жозибадор масканга айланаётганидан дарак беради. **Файрат ХОННАЗАРОВ**

Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўзини эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ташкил этади.

Сўнгги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида юксак демократик талабларга жавоб берадиган, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самардорлигини оширишга қаратилган 250 дан ортқ норамтив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида жамлаган зарур институционал база яратилди. Жумладан, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштирди. Шунга жавобан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 9 900 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадрларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган шахсларга берадиган кўмак кўрсатишда, болалар ва аёллар муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этаётгани жамият барқарорлигини таъминлашда ўзига хос ўринга эга.

Фуқаролик жамияти институтлари соғлиқни сақлаш соҳасига оид, хусусан, касалликларнинг олдини олиш, йод етишмаслигини бартараф этиш, соғлиқ учун муҳим бўлган табиий муҳитни яратиш ва ҳимоя қилишда самарали ишларни рўйбга чиқармоқда. Муҳими, бу жараён соғлиқни сақлаш органлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда, давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаши орқали йўлга қўйилмоқда. Бу Ўзбекистонда қўллаб қасалликларнинг олдини олиш, болалар ва оналар ўлими камайиши, аҳолининг узоқ умр кўриш даражаси ошишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, юртимизда жамоатчилик назорати институтининг чуқурлашувини, хусусан, жамиятда маҳалланинг таъсири кучайгани фуқароларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Қолаверса, мамлакатда ўзига хос ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши мустақил суд ҳоки-

мияти қарор топишига, инсон ҳуқуқлари таъминланишига замин яратди. Мустақил сайлов тизими мамлакатда бу жараённинг демократик асосда ўтказилишида муҳим роль ўйнаётганига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайлов жараёнида гувоҳ бўлдик.

Давлат томонидан яратилаётган қўлай шароитлар, имтиёзлар ҳамда имкониятлар фуқаролик институтларининг жамият ва давлат бошқарувидаги фаол иштироки кўламини янада ошираётди. Бу ўз ўрнида аҳолининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда таш-

қурилиши, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифасини бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг позициясини янада мустаҳкамламоқда.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалиётга жорий этилиши аҳоли ҳамда жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган, авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминламоқда.

Шунингдек, Фуқаролик жамияти ин-

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК МУҲИМ ОМИЛ

ститутлари ривожда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини янада тақомиллаштириб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнидаги ролини кучайтирди.

Ижтимоий шериклик тушунчаси, субъектлари, принциплари ва асосий соҳалари ўз ифодасини топган мазкур қонунда ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги экани қонуний мустаҳкамлаб қўйилди. Унда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун фуқаролик жамияти институт-

лари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий майдонни янада кенгайтиришга замин яратди. Ушбу қонун нафақат миллий тажриба, балки халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилгани, бу жараёнда ҳам маҳаллий, ҳам халқаро экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари фикрига таянилгани унинг ҳар жиҳатдан пухталигини таъминлади. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, уни бошқа давлатларда ҳам оммалаштириш мақсадаги мувофиқ.

Шу ўринда аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган баъзи тақлиф ва тавсияларни таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инobatга олиб бориш лозим.

Шунингдек, яратилган қонунчилик базасига мувофиқ ижтимоий шерикликни давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламини ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонвий фикрларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлантириш зарур.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион фикрларни тақлиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини лозим даражада амалга ошириб бориш ҳам заруратга айланган бормоқда. Ўз ўрнида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг қўламини лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга замин яратиши зарур.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан Мурожаатномада билдирилган фикрлар нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолаштириш ҳамда уларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Гулнора НОСИРХОДЖАЕВА, Шомансур ШАЯКУБОВ, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчилари

Адабиётга ошно бўлган китобсеварларнинг китоб жавони яна бир тўпلامга бойийдиган бўлди. Истеъдодли ижодкор Эркин Эрназаровнинг мақоллар ва иқтибослар, қатра ҳикоятларидан иборат “Нақл-ақл” номли китоби “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи” ДУК томонидан чоп этилди.

УМРБОҚИЙ ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

Маълумки, халқ мақоллари ота-боболаримизнинг бизга қолдирган хазиналаридан биридир. Улар халқ озаки ижодининг маъсули ҳисобланади. Юзлаб йиллар давомида инсонлар ўз атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр юритиб, улардан энг муҳимларини саралаб, тугал маъно берадиган иборат яратиларини натижасида ана шу ҳикмат оғиздан-оғизга ўтиб, мақолга айланган.



Журналист ва таржимон Эркин Эрназаров тўпладан турли миллатларга мансуб жаҳон халқларининг энг сара мақоллари, шунингдек, жамоат ва давлат арбоблари, олимлар, файласуфлар, адибларнинг ибратли фикрларидан иқтибосларнинг ўзбек тилига таржимаси, шу билан бирга, тўпловчининг ҳикоятлари ўрин олган.

Тўпلامдан “Мақол ва маталлар, ибратли иқтибослар” ва “Қатра ҳикоятлар” урин олган бўлиб, ҳаётийлиги билан ўқувчини мушоҳада этишга чорлайди.

Кўп йиллар давомида тўплавчи, ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган жаҳоннинг турли халқларига мансуб мақоллар ҳамда ҳикматли иқтибосларидан иборат “Нақл-ақл” тўплами ҳам кенг китобхонлар кўнглидан жой олиши шубҳасиз.

(Ўз муҳбиримиз)

КАМТАРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида менинг ҳам камтарона меҳнатим “Дўстлик” орденига лойиқ кўрилганини кўзларимда қувонч ёшлари билан кутиб олдим.

“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади” дея беҳиж айтилган. Ҳақиқатан ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштироки таъминланмас экан, у жамиятда олиб борилаётган ҳар қандай ислохотлар тўлақонли муваффақиятга эриша олмайди. Шу боис, мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, бунда аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, касб-ҳунар ўргатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, Яшнобод туманида 2019 йил сентябрь ойида фаолият бошлаган “Ишга марҳамат” мономаркази шу йўлда амалга оширилаётган самарали лойиҳалардан бири бўлди. Муассасада 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилган бўлиб, бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Марказ йилига 5 минг 600 кишини ўқитиш имкониятига эга.

Бу ерга келган инсонларга аввало бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари тақлиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин. Шунингдек, касбий малака талаб этилаётган ишни танлаганлар шу ердаги ўқув курсларига жалб қилинади. Марказда инглиз, турк, япон, хитой, корей ва рус тиллари ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар фаолият юритмоқда ва бошқа мамлакатда ишлаш истагини билдирган фуқароларга кўникма ва хорийий тиллар ўргатилади. Бугун марказ хизматидан фойдаланаётган ва касб-ҳунар ўрганиш истагида мурожаат қилаётганларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилади.

Яқинда Президентимиз “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишиб, бундай марказлар одамларнинг талаб бора касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топиши учун жуда муҳимлигини, бўш турган коллеж ва бошқа биноларни таъмирлаб, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани



Гулнора НОСИРХОДЖАЕВА, Шомансур ШАЯКУБОВ, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчилари

ва барча вилоятларда шундай муассасалар ташкил этиш лозимлигини таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ҳам ўз аксини топди. Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камидат биттадан “Ишга марҳамат” мономарказлари ташкил этиб, уларда биринчи навбатда, ишсиз ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича касбга ўқитиш, худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилишини таъминлаш вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Албатта, Давлат дастурида белгилаган ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш “Ишга марҳамат” мономарказими зиммасига ҳам илк очилган марказ сифатида катта масъулият юклайди. Шу маънода, менга берилган “Дўстлик” ордон жамоамизга берилган мукофотдир. Бутун жамоамиз номидан шу халқ фаровонлиги, юрт тарақиёти учун бор куч ва имкониятимизни ишга солишга, Президентимиз ишончини оқлашга ваъда берамиз.

Ноҳира УМАРОВА, “Ишга марҳамат” мономаркази директори

ЭЛЕКТР ТАРМОҒИ ҲҲЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 26 декабрда “Электр тармоғи ҳўжалиги объектларини муҳофазат қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Маъжур қондалар мулкчилик шаклидан ва идоравий ман-сублигидан қатъий назар, электр тармоғи ҳўжалиги объектлари бўлган ташкилотлар шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга таътиб этилиши белгиланган.

Қондалар электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг муҳо-фазат зоналарини ўрнатиб, шунингдек, муҳофазат зоналари доирасида жойлашган ер участкаларидан фойдаланиш, ушбу объектларнинг ҳавфсиз ишлаши ва эксплуатация қилинишини таъминлайдиган алоҳида шартларни белгилайди.

Маъжур қондаларда электр тармоғи ҳўжалиги объектлари қурилиши учун ер участкалари қонун ҳўжатларида белгилан-ган тартибда ажратилади. Уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланади. Шу билан бирга қондаларга мувофиқ электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг муҳофазат зоналари ажратилган ер участкалари ҳисобланади ва белгиланган тартибда давлат бўйича ўткази-лиши керак. Иштирибда электр тармоғи ҳўжалиги объектлари бўлган жисмоний ва юридик шахслар трассаларнинг, иж-роия топогеодезия суратлари материалларини уларни ердан фойдаланишнинг тегишли хараитларига киритиш учун худ-дий архитектура ва қурилиш органларига тақдим этишлари шарт. Электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг муҳофазат зоналари худудларини кадастр бўйича бўлиниган ва ер участка-лари кадастр бўйича суратга олинган ҳолда қилиш жойларда ер ресурслари туман ҳўжатлари томонидан шаҳарлар ва шаҳарчаларда — кўчмас мулк кадастри ҳўжатлари томонидан натуралда белгиланади ҳамда кадастр ишида қайд этили-ши ва ер участкасининг кадастр режасида ақс эттирилиши кераклиги қайд этилган.

Қондалар талабларига қўра электр тармоғи ҳўжалиги объек-тларининг муҳофазат зоналари:

20 киловольт қўчанилиши линиялар учун — 10 метр (аҳоли пунктлари чегараларида жойлашган ўзини ўзи тутиб туривчи ёки изоляцияланган симли линиялар учун 5 метр); 35 кило-вольт қўчанилиши линиялар учун — 15 метр; 110 киловольт қўчанилиши линиялар учун — 20 метр; 220 киловольт қўчани-лиши линиялар учун — 25 метр; 500 киловольт қўчанилиши линиялар учун — 30 метр қилиб белгиланган бўлсада, “Ўз-нергоинспекция”нинг Тошкент шаҳар бўлими ва “Тошкент ша-ҳар ЭТК” АЖнинг ҳодимлари билан биргаликда ўтказилган ўрганишларда Тошкент шаҳридаги “Тошкент шаҳар ЭТК” АЖ тасарруфидаги 35-110кВ ҳаво линияларининг муҳофазат зона-ларига жами 63 та объект, жумладан Миробод туманида 2 та, Мирзо Улугбек туманида 3 та, Олмазор туманида 9 та, Учте-па туманида 5 та, Шайхонтоҳур туманида 4 та, Юнусобод туманида 22 та, Яқасарой туманида 3 та, Яшнобод туманида 15 та қонуний қурилган объектлар мавжудлиги аниқланган.

Ушбу аниқланган қонуний қурилган объектлардан 53 та си-нинг бузилишига эришилган, 10 та объект бўйича тегишли чоралар қўрилиши учун суд органларига ҳўжатлар тақдим этилган.

Шунингдек, эндиликда ҳаво ва кабель линияларининг му-ҳофазат зонасида ишларни бажарувчилар иш бошланишдан камидат 3 кун олдин электр тармоғи ҳўжалиги объектлари ағасига телефонграмма орқали ишларни бажариш санаси ва соати тўғрисида маълум беришлари керак.

Бундан ташқари, улар электр кабелларида одамларнинг ҳаёти учун ҳавфли бўлган қўчаниш борлигини ҳисобга олган ҳолда электр токи уриш ҳавфли, шунингдек, қўрсатиб ўтилган электр кабель линиялари шикастланганлигини учун жа-вобарлик тўғрисида оғохлантирилиши кераклиги маъжур қонда-лар талабларига киритилган.

Ш.ШОАХМЕДОВ, “Ўзнергоинспекция”нинг Тошкент шаҳар бўлими бош мухтаассиси

Реклама ва эълонлар

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДК томонидан “TORIM TEXTIL” ҳусусий қорхонаси номи-га 21.02.2007 йилда Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Бешкент кўчаси, 72-уй манзилда жойлашган автобаза учун берилган 10:06:01:04:01:0011 кадастр рақамли, № 6-94/07 реестр рақамли кадастр ҳўжатлари йўқолган-лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдиги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни таш-кил этишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақ-садида Олмазор туманидаги 46-сонли умумтаълим мак-таби ошхонаси учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов жорий йилнинг 20 март куни соат 14:00да туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент темирўл тиббиёт билим юрти томонидан 2001 йилда Абдурахманова Дилноза Амиржановна но-мига берилган № 432081 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Яшнобод тумани, М.Ашра-фий 2-берк кўчаси, 22/2-уй, 8-хонадон учун Миробидо-ва Зиёда Асомитдиновна номига берилган кадастр ҳў-жатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДК томонидан Мутаваллиев Абдулла Халмирзаевич номи-га Юнусобод тумани, 19-мавзе, 9-уй, 9-хонадон учун берилган кадастр ҳўжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДК томонидан Разиқова Дилбар Абдуллаевна номига Юнусобод тумани, 18-мавзе, 41-уй, 55-хонадон учун бе-рилган кадастр ҳўжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Давлат хизматлари мар-кази томонидан 23.07.2019 йилда № 745728 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “XONZODA SERVIS” МЧЖ (СТИР 306596117) таъсисчининг 11.03.2020 йил № 2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чиққан қундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Муллоим кўчаси, 22-уй манзилда қабул қили-нади. Телефон: (+99893) 008-89-27.



кундузи — 13-15 даража илшқ бўлади.

Ўзгидрометнинг монито-ринг хизмати маълумотиға кўра, 12 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шорити шаҳар ҳаво муҳитида зарар-ли моддаларнинг бир оз тар-қалиб кетишиға имконият яратиди, ифлосланиш дара-жаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 12 март куни ҳаво ўзгариб туради, ёнбарчиллик бўлмайди. Ша-рқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси 2-4 даража илшқ,

Тадбирлар

ОИЛАМ – БАХТИМ МЕНИНГ

Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг "Био ва иншоотлар қурилиши" факультетида психология фанлари номзоди Нигора Шомуратова билан "Оилам – бахтим менинг" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбирда институт "Маънавият ва маърифат бўлими", хотин-қизлар кенгаши, мураббийлар кенгаши, "Био ва иншоотлар қурилиши" факультети, БИҚ факультети мураббийлари кенгаши, "Тарбия ва психология" кафедраси ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар қатнашди. Нигора Шомуратова ўзининг чиқишида оилага ҳос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий моҳирларнинг руҳий омили, оилада бола тарбиясининг ихтимой-психологик методлари ҳақида тўхтади. Бундан ташқари, оиланинг асосий вазифаси ҳисобланган тарбиянинг сустануви, инсоний муносабатлар ҳамда урф-одатларга бепишандлик, никоҳ ва оилага нисбатан юзаси муносабатда бўлиш, миллий анъаналаримизнинг унутулиши, сурбетлик ва ичкиликбозлик, ўзини тута билмаслик, ажралишларнинг

ўсиб бориши бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб келаётганлигини таъкидлаб ўтиди ҳамда ёшлар неча ёшда турмуш қуриши керак? деган савол билан тадбир қатнашчиларига мурожаат қилди. Сўнг руҳшунос талабаларнинг фикрлари тўғри ёки нотўғри эканлигини ўз мулоҳазалари билан тушунтириб берди. Тадбирда талабалар билан қизиқарли баҳс-мунозаралар, психологик тренинглар ташкил этилди. Қизиқарли учрашув давомида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбир якунида психолог Н.Шомуратова томонидан ёшларнинг мустақим оила қурилишлари ва бахтли бўлишлари учун керакли маслаҳатлар берилди ва бу борадаги адабиётлар рўйхати тасвир этилди.

Нигора АЛИМОВА, Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг катта ўқитувчиси



Футбол янгиликлари

ЧЕМПИОННИНГ ИККИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат миллий чемпионатининг 2-тури ҳам амалдаги чемпион "Пахтакор"га яна омад келтирди.

Бу сафар Шота Арвеладзе бош мураббийлигидаги "Пахтакор" жамоаси ўз майдонида "Бухоро" клуби билан куч синашди. Аввалги турда ҳам йирик 3:0 ҳисобида сафар қучган пахтакорчилар бу сафар ҳам тўлиқ устунликка эришишди ва бухороликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Пахтакорчиларнинг ҳар учта голини меҳмонлар дарвозасига Драган Черан киритгани таҳсинга сазовор. Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" жамоаси бу сафар ўз майдонида "Машъал" билан куч синашди.

Аввалги турда "Машъал" ҳам, "Бунёдкор" ҳам рақибларидан устун келишгани боис ушбу ўйин мurosасиз кечиши тахмин қилинган эди. Дарҳақиқат, баҳс анча шиддатли ва қизиқарли курашлар остида ўтиди. 10 дақиқада ёш иқтидор эгаси Жасур Жалолиднов томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган гол "Бунёдкор"га муҳим ғалабани туҳфа этди. Турнинг марказий баҳси Наманганда бўлиб ўтиди. Унда "Навбахор" ўтган йилги кумуш медаллар совриндори "Локомотив"ни қабул қилди. Шиддатли

кечган ўйин майдон эгаларининг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланди. Азим Аҳмедов ва Игорь Голбан голларга муаллифлик қилишди. Қолган учрашувлар куйдагича якунига етди: "Металлург" – "Қўқон-1912" – 1:0, "Сўғдиёна" – АГМК – 1:1, "Қизилқум" – "Сурхон" – 1:2, "Насаф" – "Андижон" – 2:1. Ўтказилган баҳслардан кейин 6 тадан оқш жамғарган "Пахтакор", "Насаф" ва "Бунёдкор" жамоалари турнир жадвалида етакчилик қилишмоқда. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ" БИЛАН БИРГАЛИҚДА КУРАШАЙЛИК

Белгиланган қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч қимга сир эмаски, кунлар совиши ҳар бир инсонни хонадонларини иситишга ундайди. Қўлаб фуқароларимиз шу ниятда қўлаб ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйлари, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнгина хавфсизлиги хизмати ходимларига боғлиқ эмас. Балки бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Миржаҳон ПЎЛАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий биноларида ЕХТТБ 1-бўлимида ЕН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

Биноларнинг ёнгина хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойihalаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Био ва иншоотларда ёнгина хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнгина содир бўлмаганининг кафолати ҳисобланади.

"Меҳнат қилиб бoғ яратган уни асрай билиши ҳам керак" деганларидек, био ва иншоотлар бунёд этилуви ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахассиси тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгиналарга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бошқача айтганда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканлигини унутмаслиги керак.

Даврон РОҲАТАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносида ЕХТТБ бoшлиғи, майор

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабга қараган таълим муассасалари, ўқув юртли, коллежлар, лицейлар, давлат муассасалари қад қўтармоқда. Лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, ахтирсизлик қандай қувват олиб келишини бир йўлаб кўринган-а?

Шундай экан ҳар биримиз ёнгина хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак бундай қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўлаемиз.

Одил БАРАТОВ, Ҳукумат уйи биносида ЕХТТБ ЕН ва ПБ мутахассиси, кичик сержант

Ёнгина хавфсизлиги хизмат ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнгина хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгина қарши курашни қўлайтиришдан иборатдир. Қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шундай экан, ёнгина хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

Элёр МАЖИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат биносида ЕХТТБ ЕН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

Кундалик турмушимизни электр токи ва табиий газсиз тасавур қилиш қийин.

Агар ундан нотўғри фойдаланилса, турли фалокатлар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун кундалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доим огоҳ бўлишимиз зарур. Уйдан чиқётган газ ва электр чирокларини албатта ўчириш лозим. Хонада газ ҳиди сезилса, чирок ва бошқа электр асбоблари, ўчқун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Ёқиб қўйилган электр-иситгич асбоблари, электр дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг.

Ерлан КУЛМАНОВ, Тошкент шаҳар ФВБ 22-ЎҚ қатта инспектори, катта сержант

Ёнгина хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ўзимиз ва иш жойимизда хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Пойтахтимизда оз берган ёнгиналар таҳлилга қўра аҳоли турар жойларида шундай офатлар содир бўлмоқда.

Сабаби эса оддий: айрим фуқароларимиз ёнгина хавфсизлигининг қанчалик муҳим эканлигини яқин билишсада, ҳар доим ҳам бу қоидага амал қиларемайдилар. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, ёнгина содир бўлганда "101" рақамига хабар бериб, аниқ манзилни айтишни унутманг.

Аббос ПЎЛАТОВ, Яқасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори

Ёнгина хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнгина хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда.

Белгиланган қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шу сабаб ёнгина хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонларни огоҳликка чақирамиз.

Зойир МУСТАФОЕВ, Фавқулодда вазиятлар 4-бўлимида ЕН ва ПБ инспектори, лейтенант

Ёнгиналарнинг олдини олиш ҳам оқошталаниннинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зеро, бу ҳаётимиз хавфсизлиги, катта меҳнат билан бунёд этилган неъматларни асрашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан ҳар йили республикамизда ёнгина хавфсизлиги ҳосасида муваён ишлар амалга оширилади. Ёнгина хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнгинанинг олдини олиш, уларда инсонлар жабрланишига йўл қўймайлик борасида қорча-тадбирларни қўриб боришди. Хусусан, соҳадаги ишлар самардорлигини янада ошириш учун кенг жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Сандакмак САЙДАҚБАРОВ, Ёнгина назорати ва профилактика мутахассиси, оддий аскар

Ҳозирда электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда улардан хоналарни иситиш мақсадида газ плиталарини ёқиш қўйиш, назоратсиз қолдириш, тўтув йўлларининг носозлиги, дудбуронларни тозаламаслик оқибатида келиб чиқётган ёнгиналарнинг соани ортиб бормоқда.

Ёнгина хавфсизлигини таъминлаш ёнгиналарнинг содир бўлиши, мулк талафоти, инсонларнинг жарахатланишининг олдини олишга нафақат ёнгина хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар биримиз бирдек масъулмиз.

Шухрат ХАЛИЛОВ, Яқасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта сержант

БИР МИЛЛИАРД СЎМ ГРАНТ МАБЛАҒИ АЖРАТИЛАДИ

"Ёшлар пресс-клуби"да ёшларнинг инновацион гоёлари ва стартап-лойиҳаларига кўмаклашиш "Стартап-ташаббуслари" дастури 4-даврнинг якуний тақдимотлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси А.Саъдуллаев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари Б.Умурзоқов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакиллари М.Димовска, Х.Фрейзер, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари О.Тўйчиев, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, турли вазирлик ва идоралар ҳамда ОТМ вакиллари иштирок этган тадбир БМТ Тараққиёт дастури, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Россия Федерацияси ҳукумати томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш" қўша лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Мазкур дастури ташкил этиш ва уни ўтказишдан қўланган асосий мақсад ёшларнинг инновацион гоёлари ва стартап-лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, инновацион тадбиркорлик қўнмичаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Барча ҳудудлардан 1 минг 520 ёш мазкур дастурининг 4-даврида қатнашиш истагани билдирган. 179 нафарининг аризаси саралаб олинган. Улардан 27 нафари дастурининг финал қисмига етиб келишга муваффақ бўлди. Якуний тадбир натижаларига кўра, 5 та энг яқин истиқболли лойиҳа жамоаларига 50 миллион сўм миқдорда грант маблағи ажратилди.

Ғолиб бўлган жамоалар орасида "2work" лойиҳаси – шошилинч вазирларнинг ва ҳар қандай ишни бажариш учун ишончли одамларни тезда кидириб топиш имкониятини яратадиган платформа ҳам бор.

Шунингдек, "Mammo cancer" – сунъий интеллект ёрдамида кўкрак бези саратонини аниқлаш тизими, "StomaCRM" – стоматологик клиникаларни онлайн бошқариш тизими, "Med ID" – барча турдаги клиникалар ва индивидуал амалиёт учун CRM тизими

Ғолиб жамоалар сафиндан жой олган. Бундан ташқари, "Vegan.uz" – парҳезни яқшилашни истаганлар, вазн йўқотадиганлар, парҳез чекловларига эга бўлганлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзини олиб борадиган махсус таомлар ва ширинликлар тайёрлаш ва етказиб бериш лойиҳаси ғолиб деб топилди.

Тақдимот давомида барча стартап-лойиҳаларнинг кўргазмаси ташкиллаштирилди. Лойиҳаларнинг тафсилоти жамланган ва тақдимотлари QR код орқали боғланган махсус брошюра чоп этилиб, манфаатдор ташкилот ва истиқболдаги сармоячиларга тарқатилди.

А.Саъдуллаевнинг таъкидлашича, "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси томонидан 2020 йилда ушбу дастури янада оммалаштириш ҳамда стартап-лойиҳаларни ҳаётга кенг жалб этишга кўмаклашиш мақсадида 1 миллиард сўм миқдорда махсус грант маблағи ажратилиши режалаштирилди.

Хуриш ҚОДИРОВ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тошкент шаҳар божхона бошқармасида божхона ходимлари, уларнинг оила аъзолари ҳамда Давлат божхона қўмитаси ҳузурида ташкил қилинган Жамоатчилик кенгаши вакиллари иштирокида "Коррупцияга қарши курашишда барчамиз масъулмиз!" мавзусида профилактик тадбир ўтказилди.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштиради, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Тадбирда сўзга чиққан бошқарма бoшлиғи Б.Дадаматов жамиятда коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ва унга имкон бераётган омилларни вақтида аниқлаш, унга чек қўйиш давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги долзарб вазифа эканлиги, коррупцияга қарши курашишда энг аввало ҳар бир божхона ходимида ҳалоллик имунитетини ошириб ва бу билан иллатнинг ҳар қандай кўринишига мurosасиз курашиш лозимлигини айтиб ўтиди. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитларга бошқармада хизмат қилаётган ходимлар ўзининг Ватанга садоқати ҳамда ҳалол ва пок меҳнати билан жавоб қайтариши лозимлиги таъкидланди.

Дунёдаги энг улуғ неъматлардан бири бу – оилавий тинчлик-ҳотиржамлик, фарзандларнинг келажаги ҳақида қайғуриш. Шу сабабли коррупция иллатига қарши курашишда ходимларнинг оила аъзолари ҳам яқиндан кўмак беришлари зарурлиги ҳақида таъкидланди.

Давлат божхона қўмитаси ҳузурида ташкил қилинган Жамоатчилик кенгаши божхона органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб бориладиган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича тақлифлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Тадбирда Жамоатчилик кенгаши раиси Д.Қудриддинов сўзга чиқиб, коррупциянинг салбий иллатлари, унинг демократия ва қонун устуворлигига путур етказиши, коррупция оқибатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қўпол равишда бузилиши, қонунларга ҳурмат руҳи пайсаси, иқтисодий ривожланиш издан чиқиши ҳамда давлат ва жамият учун ўта хавfli бўлган уюшган жиноятчилик кенг ёйилишига шариот яратилиши ҳамда коррупцияга қарши курашда оила аъзоларининг иштироки ўта муҳимлиги ҳақида сўз юритди. Дарҳақиқат, оила аъзолари ўз фарзандларини, турмуш ўртоғи, укалари ва сингилларининг ҳаёлиларидан нималар кечаётганини тушуниб, доимо тўғри йўлга бошлай олиши жиноятни қаматиришда муҳим омил бўлади.

Божхона тизимида ходимларга қулай шарт-шароитлар яратиш, кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган катта ислохотлар, айрим нопок божхона ходимлари томонидан яратилаётган шариотлар шукроналик келтирмай тамағирлик, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Бу ачинарли ҳол. Бугунги кунда божхона ходимларини нопок йўлларга кириб қолмаслиги учун барча, жумладан, уларнинг ота-оналари ҳамда оила аъзолари бирдек масъул эканлиги таъкидланди.

Учрашув давомида иштирокчиларга келгусида божхона тизимида хизмат қиладиган фарзандларининг хатти-ҳаракатларига бефарқ бўлмасликларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Тамағирлик, хизмат мансаб ваколатини суистеъмол қилиш каби салбий иллатларга қарши курашишда оила аъзолари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

"Коррупция – бу хиёнатдир" номли видеоролик намойиш этилди. Тадбирда иштирок этган бошқарма ходимларининг ота-оналари сўзга чиқиб, ўзларининг ижобий фикр-мулоҳазаларини айтиб, бошқарма раҳбариятига миннатдорчилик билдиришди.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

АФРОСИЁБ МАЛИКАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқуо Хираяма Халқаро маданият қарвон саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган таниқли расом Нодира Орипованин "Афросиёб маликалари" номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Тақдим этилган 50 та рангасвир йўналишида ишланган ижод намуналарида турли ёш ва ҳолатлардаги образлар қоршмасида яратилган. Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек серкирра ижодкор аёллар образини яратишда момоларимизнинг неча асрлик ўтли нигоҳлари, ҳаё-иболари, тақинчоқлари ва бошқа қатор манбаларга асосланган.

Нодира Орипова – 1959 йили Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида зиёли оилада туғилган.

Мақтабдан сўнг пойтахтимиздаги П.Беньков номидаги Республика бадий билим

юртида, Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқиди. 1988 йилдан педагогик фаолиятини бошлаб кўп йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Бадий графика" факультетида талабаларга сабоқ берди. Республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлари уюмаси аъзоси Н.Орипова 2011 йилда Ўзбекистон тасвирий санъатга қўшган ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Кўргазма жорий йилнинг 16 мартига давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

TOШКЕНТ ОҚШОМИ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёқи «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz Нашр кўрсаткичи — 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1210 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2 Нашр учун масъул О. Ҳаратов Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Таъшириш вақти: 13.00 Босишга таъширилди: 15.15 1 2 3 4 5